

## МАҲАЛЛИЙ УСЛУБЛАР АСОСИДА ВУЖУДГА КЕЛГАН ДУТОР ИЖРОЧИЛИК МАКТАБЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Мўминова Мехрихон  
Фарғона давлат университети  
Вокал ва чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчisi

### АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада дутор ижрочилик йўлларининг ўзига хослиги, ижро ва айтим йўлларидан ташкил топган маҳаллий услублар, замонавий дутор ижрочилигининг ранг-баранг йўналишилари, моҳир созандалар ҳамда созгар усталар ҳақида батафсил ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Дутор, генесиз, камер, журнавоз, мақом йўллари, тембр, диапазон, фольклор.

## СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ИСПОЛНИТЕЛЬСКИХ ШКОЛ УЗБЕКСКОГО ИНСТРУМЕНТА ДУТАР, СОЗДАННЫХ НА ОСНОВЕ МЕСТНЫХ ЛОКАЛЬНЫХ СТИЛЕЙ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно описывается своеобразие дуторного исполнительства, локальные стили исполнения и речи, различные направления современного дуторного исполнительства, искусные музыканты и мастера-созгари.

**Ключевые слова:** Дутор, генезис, камера, журнавоз, статусные пути, тембр, диапазон, фольклор.

## COMPARATIVE ANALYSIS OF THE PERFORMING SCHOOLS OF THE UZBEK INSTRUMENT DUTAR CREATED ON THE BASIS OF LOCAL STYLES

### ABSTRACT

This article describes in detail the originality of dutor performance, local styles of performance and speech, various areas of modern dutor performance, skillful musicians and sozgar masters.

**Key words:** Dutor, genesis, camera, jornavoz, status paths, timbre, range, folklore.

### КИРИШ

Халқ чолғулари ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги хисобланиб, йиллар давомида ўзига ҳос тарзда шаклланиб ривожланиб келди ва бугунги

кунда ҳам ўз нуфузини йўқотмади. Ўзбек чолғулари ҳақиқатдан ҳам миллий маданиятимизнинг ноёб хазинаси ҳисобланади, зеро, улар мисолида ўзбек халқининг бой тарихий, ижро амалиёти ва ноёб санъатини акс этилгандир. Бу борада миллий ўзбек халқ чолғулари, турфа ижроилик санъати маънан ва моддий нуқтаи назардан бой ҳамда ранг-баранг эканлигини эътироф этиш жоиздир.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ўзбек халқ чолғулари ижро амалиётида танбур, рубоб, дутор, ғижжак, чанг, қонун каби ҳар томонлама мукаммал камер созларни ижросини асосан саройларда қўллаб келишган. Ҳар бир чолғу ўзининг генесизи ва такомиллашиш тарихига эга. Асрлар мобайнида миллий чолғуларнинг шакли, тембри, овоз диапазони ва ўзига хос ижро йўлларига асос солинган. Дутор, манбаларда ёзилишига кўра, Фаробийнинг “Китабул мусиқа ал Кабир” рисоласи, Ф.Кароматовнинг “Ўзбек мусиқа чолғучилиги” асарларида келтирилишича шаклий жиҳатдан ўзгармагани эътироф этилади.

Дутор барча чолғулар орасида ўзининг табиати, назокатли оҳанги, сирли садоси билан ҳамиша ажralиб турган. Чолғунинг садоланиш жаранги учалик кескин бўлмаган ва бир мунча майин бўлгани боис, уни хонаки (камер) созлар қаторида ўрин эгаллаши асосий сабаб бўлган. Дуторнинг турли кўринишлари мавжудлигига қарамай чолғунинг нозик ўзига хос жиҳатлари сақланиб қолинлган. Бу чолғу асосан аёллар ижро амалиётида қўлланилган.

Дутор азал-азалдан Ўрта Осиёning турли воҳаларида ўз шеваси ва анъанаси асосида истеъмолда бўлиб келган. Халқ оммавий ижро йўллари, дайди ёки ёввойи ҳамда анъанавий мумтоз ижро йўллари доимо халқ дутор ижроилик амалиётини безаб келган. Дутор аслида, халқона услугга мойиллиги билан мумтозлик даражасигача ривожланган.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Дутор халқ чолғу ижроилик амалиётида ўз ўрнига эга бўлган ва турли чолғулар билан жўрнавозликда, давр маданияти ривожида муносиб ўрин тутган ҳамда керакли чолғу сифатида қадрланган. Шу боис бўлса керак, бизнинг замонамизга келиб дуторнинг хилма-хил таркибий ансамбллари, якканавозликдаги ижро услублари янада кўпайди. Дутор чолғусининг ижро йўллари ҳам ўзига хос қирраларига эга. Хусусан, мамлакатимизнинг ҳар бир воҳаси - Хоразм, Самарканд-Бухоро, Каашқадарё-Сурхондарё ва Фарғона-Тошкент маҳаллий услублари ўзининг бетакрор жанр ва шакллари, ижро ва айтим йўлларидан ташкил топган услуг бўйича ажралса, дутор ижроилигида ҳам ўзига хос мактаб ва йўллари шаклланишига замин яратиб берди. Мазкур

услублар ичида Хоразм ва Фарғона-Тошкент махаллий йўллари алоҳида эътиборга молик. Нафақат фольклор ва профессионал ижрочилик санъатида, балки, ижрочилик амалиёти учун асос бўлган миллий чолғу созларининг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади [1;4].

Дутор ижро услубларининг воҳаларда такомиллашиб бориши натижасида унинг турфа ижрочилик мактаблари вужудга келди. Ҳар бир ижро мактаби ушбу воҳаларнинг бетакрор ва ўзига хос ҳалқчил анъаналари, шевалари ва урфодатлари билан уйғунлашиб кетган. Буни биз ҳатто чолғу созининг тузилиши ва қўринишида қўришимиз мумкин. Ҳалқ ижодиёти амалиётида дуторда чалиш, якканавоз ва жўрнавоз соз, ҳаттоки анъанавий услубда ўзининг маҳсус мақом йўлларини яратишига ҳам сабаб бўлган. Бунинг ёрқин мисоли Хоразм дутор мақомлари ташкил қилинишини эътироф этишимиз мумкин.

XX асрга келиб дутор ижрочилиги касбийлик борасида катта ютуқлари билан эътиборга тушади. Таниқли созандаларнинг мактаблари, якка соз ижрочилиги, айниқса, устозона услубда ўз ўрнига эга бўлди. Бу албатта, аввало дуторнинг ўтмиш ижрочилик амалиётида эришган ижро имкониятлари, ҳалқ орасида дутор ижро анъаналарини расм қилган моҳир ижрочилар ижоди билан баҳоланади. Республикаизда танилган таниқли дутор созандалари қаторида Т.Алиматов, О.Қосимов, Г.Мўминова, И.Арабов, У.Юнусов, С.Қосимов номларини ифтихор билан тилга олишимиз мумкин.

## **МУҲОКАМАЛАР**

Созгар усталар А.Зуфаров, А.Мелихўжаев, А.Нурхўжаев кабилар мамлакатимизда мазкур чолғуни сақлаб қолиши ва ижро анъаналарини ривожига катта хисса қўшиб келаётгани хеч кимга сир эмас. Албатта дутор ижрочилигининг кенг оммалашуви ижрочи санъаткорнинг самарали меҳнати, бадиий ижоди маҳсулининг натижасидир. Шинаванда-тингловчилар бирбиридан сержило, ранг-баранг асарлар ва сирли ижро услубларга ошно бўлиб бордилар. Яратилган ўзига хос ижро услублар вақт ўтиб катта ижрочилик мактабларини юзага келишини таъминлаб берди. Бу борада биз Хоразм дутор ижрочилиги, Кўқон ижро мактабларини эслашимиз жоиз. Масалан, Хоразм дутор ижрочилик услубига нисбатан Самарқанд ижро йўли ўзгача эканлиги Абдурауф Фитрат томонидан ҳам ўз вақтида қайд этилган эди : «Бу кунларда бизнинг энг машҳур дуторчимиз самарқандлик Ҳожи Абдулазиз қўлини тахтага урмай чалғони учун унинг дутори ҳавас билан тингланадир»[1]. А. Фитрат шу билан Самарқанд ижро анъаналари ўзининг ўзгача жаранг ва тароватига эга эканини тасдиқлаган.

Бу борада Фарғона-Тошкент воҳасининг дутор ижрочилик услублари ҳам жуда ранг-баранг эканлигини айтиб ўтиш лозим. Чунки, бу воҳада ижро услублари кўп. Фақат Кўқон дутор ижрочилик мактабининг ўзигина, ўзига хос анъаналар билан сугорилган. Бу анъаналарни биргина «Кўқонча» асарини ижро йўлларида ҳам кўриш мумкин. Дуторнинг шахдам шиддатли талқини, зарбларининг ранг-баранглиги, чап ва ўнг қўллар моҳирлиги ва жозибалилиги услуб ижрочилигининг асосий “мағзи” ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Ижрочилик мактаблари юзага келишида санъаткор созандаларнинг алоҳида ижро услубларнинг аҳамияти катта. Шунинг учун Фарғона-Тошкент маҳаллий услубида биз кўп шахсий дутор ижрочилик мактаблари шаклланганинг гувоҳи бўламиз. Замонавий дутор ижрочилиги ранг-баранг услублар билан йиллар оша бойиб, ўз тараққиёти жараёнида давр талабига мосланиб концерт саҳналарида юқори ўрнини эгаллаб келмоқда. Бунга, маълум маънода дуторнинг ўқув тизими жараёни, яъни мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув муассасаларининг дастуридан жой олганлиги ҳам сабаб бўлди. Бу борада замон талабига жавоб берувчи янги авлод ўқув дарсликлари, қўлланмалари, услубий нашрлари, ўқув дастурлари яратилаётгани эътиборга молик.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Ф.Кароматов “Ўзбек мусиқа чолғучилиги., -Т.,-1987 й.
2. <https://docs.yandex.ru/docs/view?url=ya> Дутор чолғусининг ижро йўллари Ирода Риқсиева ЎзДК магистранти Т., 2022 й.-4 бет
3. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. –М., 1926, –
4. Т., 1993
5. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
6. SultonaliMannopov, A., AbdusalomSoliev, U., & TokhirShokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845-6853.
7. Abdulhay Karimov Tursinovich, & Alijon Ergashev Abdullayevich. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. *Archive of Conferences*, 245-248. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/2096>
8. Ahmadjon Nurmuhamedjanov, & Ismoiljon Rustamov (2022). YOSHLARNING IJTIMOIY FAOLLIGIDA MADANIYAT VA SAN'AT

MUASSASALARIDAGI TO'GARAKLARNING O'RNI. Science and innovation, 1 (C2), 48-50. doi: 10.5281/zenodo.657842

9. Rustamov, I. (2022). The Place of Doira Instrument in Uzbek National Art. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 74-77
10. Madina Nasretdinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN'ATINING HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. Scientific progress, 3 (2), 841-845.
11. U.Isakov
12. Исаев Улугбек Тўхтасинович (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. Science and innovation, 1 (1), 625-636. doi: 10.5281/zenodo.6529117
13. Murodova, D. (2021). Scientific And Theoretical Aspects of Musical Thinking. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, 1 (1), 196-199.
14. Durdona, M. (2021, May). ABOUT DUTOR AND HIS PERFORMANCE. In *Archive of Conferences* (Vol. 25, No. 1, pp. 29-31).
15. Nasritdinova, M., Nigora, M., & Murodova, D. (2022, February). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. In *Archive of Conferences* (pp. 44-48).
16. Nasretdinova, M., Toshaliyev, D., & Murodova, D. R. Q. (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, 3(2), 846-850.
17. Murodova, D. (2021). THE CONCEPT OF MUSICAL THINKING AND ITS STAGES OF DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 245-250.
18. Nurmuhammadovich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 50-52.
19. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In *Archive of Conferences* (pp. 92-94).
20. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
21. Nasretdinova, M., Isakov, U. B., & Orziboyev, R. (2022). XALQ IJODIYOTINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. *Scientific progress*, 3(2), 851-856.
22. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.

23. Мадина Насритдинова (2022). МУСИҚА ТАЪЛИМИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШИДА СОҒЛОМ БОЛАЛАРДАН ОРТДА ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (1), 538-549.
24. Jo'Rayev Xamidjon, & Madina Nasritdinova (2022). DOIRA CHOLG'USIDA IJRO MAHORATINI YUKSALTIRISH (BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABLARI MISOLIDA). *Science and innovation*, 1 (C2), 26-28. doi: 10.5281/zenodo.663646
25. Abdulhay Karimov Tursinovich, & Alijon Ergashev Abdullayevich. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. *Archive of Conferences*, 245-248. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/2096>
26. SultonaliMannopov, A., AbdusalomSoliev, U., & TokhirShokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845-6853.
27. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
28. Professor Sultanali Mannopov, Abdulkhay Karimov, Shohida Ataboeva, Alijon Ergashev, & Shokhista Usmanova. (2021). Development Of Symphonic Music in Uzbekistan. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 53–56. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/259>
29. Маннолов, С., & Сулайманова, Д. К. (2019). Музыкальное наследие узбекского народа. *Проблемы современной науки и образования*, (10 (143)), 82-84.
30. Mannopov, S. (2004). Uzbek folk music culture.(Study guide) Tashkent. *New Age Generation*.
31. Маннолов, С. (2018). Навобахш оҳанглар. T.: IJOD-PRESS наириётни С.
32. Маннолов, С. У. Л. Т. О. Н. А. Л. И. (2004). Ўзбек халқ мусиқа маданияти. *Янги аср авлоди*.
33. Rahmonov, U., Ergashev, A., Nazhmetdinova, M., & Usmonova, S. (2021, November). IN THE FORMATION OF THE SOCIO-SPIRITUAL THINKING OF YOUNG PEOPLE IN THE MUSICAL ART OF THE GREAT SCHOLARS OF THE EASTERN RENAISSANCE POSITION HELD. In *Archive of Conferences* (pp. 36-39).